



СЎЗДА ҲАҚИҚАТНИ КУЙЛАГАН ШОИР.

Адабиёт музейи илмий ходими:

Нигора.Тўрақулова

Аннотация: Мазкур матнда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг муҳим вакилларида бири – насимий ҳаёти ва ижоди ёритилган. Унда шоирнинг миллий уйғониш даври адабиётидаги ўрни, Муқимий, Фурқат каби замондошлари таъсири остида шакиллангани баён этилади. Насимий ижодида халқ дарди, ижтимоий муаммолар, хусусан Андижон зилзиласи оқибатлари чуқур акс этгани кўрсатилади. Шоирнинг “Бечора андижонлик” шеъри орқали халқ бошига тушган кулфатлар тасвирланади. Шунингдек унинг муҳаббат мавзусидаги лирикалари ҳам таҳлил қилиниб, ундаги садоқат ва чин туйғулар ифодаси очиқ берилади.

Калит сўзлар: Насимий, миллий уйғониш даври, ўзбек адабиёти, Муқимий, Фурқат, Завқий, Қўқон, Андижон зилзиласи, шеърият, ижтимоий мавзу, муҳаббат лирикаси.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётида бир неча хил адабий оқимлар мавжуд бўлиб, булардан энг фаъли Муқимий, Фурқат, Завқийлар номи билан боғлиқ бўлган миллий уйғониш даври адабиёт эди. Бу адабиётга Намангандан Нодим Тошкентдан Алмаий ва Камий, Марғилондан Мулло Тошболту Роик Андижондан Бимий ва Оразий, Қўқондан Нисбатий, Муҳаййир, Найрий, Зорий, Ёрийлар ҳам кирганлар.

Ана шундай шоирлардан бири Фурқатнинг амакиси Муҳаммад Солиҳнинг ўғли Абдуллажон Насимийдир. Шоир миллий уйғониш даври адабиётида етишиб чиққан шоирларнинг кўмаги ва таъсири остида ижод қилиб, жамият ва халқ дардини баралла кўйлай олган.

Насимий 1866 йилда Қўқоннинг Бешариқ маҳалласида майда савдогар оиласида туғилди. У дастлаб маҳалла масжидида очилган мактабда савод чиқарди. Хат таниши биланок Навоий, Ҳофиз, Фузулий асарларини зўр қизиқиш билан ўқиди ва ўзи ҳам шеър ёзишни машқ қила бошлайди. Адабиётга бўлган кучли қизиқиш ёш қаламкашни Муқимий, Фурқат, Завқий каби замондош ва ҳамшаҳар шоирлар қаторига олиб кирди.

Маърифатпарвар педагог Пулатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асарида шоир ҳақида бир қатор фикрлар келтирилган “Насимий Зокиржон Фурқат ва шоир Мир Аъзам давронга яқин ҳаммаҳалладир. Шоир ижодига Фурқатнинг таъсири бўлган бўлсада шоир Муҳийнинг шогирдидур. Даврон билан замондош эди. Оқ юзли, чўққи соқолли чуваккина одам бўлиб 1902 чи йилда ота касби билан машғул бўлиб



дўкандор эди. 1905 чи йилда чойхоначи бўлиб турди. Улуғ октабр сўнгра шаҳар газетасида ҳавий шеърлар ёзиш билан махфий имзода иштирок этди...”

Шоирнинг илк шеъри “Туркистон вилояти газетаси”нинг 1903 йил 1 март сонида босилган биринчи асари Насимий таҳаллуси остида битилган “Бечора Андижонлик радифли шеъридир. Шеър 1902 йил 3 декабрда содир бўлган. Андижон зилзиласи туфайли халқ оммаси бошига тушган оғир кулфатлардан таъсирланиб ёзилган.

Насимий ўша халқнинг аянчли аҳволига чин юракдан қайғурди:

Як бора ер қимирлаб, томларни урди товлаб,

Остида қолди йиғлаб, бечора андижонлик.

Бирин отоси ўлган, бирни оноси ўлган,

Бирни болоси ўлган, бечора андижонлик.

Етим бўлиб болалар, қолди қилиб нолалар,

Бу дардга йўқ даволар, бежора андижонлик.

Насимий муҳаббат темасида ҳам кўп ёзган. Бу шеърларда ёрнинг ҳуснигагина маҳлиё бўлмайди, балки ундаги гўзал севги ва чин вафодорликни куйлайди:

Нигоро, манга бас сансан, ўзга жонондин гапирмасман,

Юзинг олдида ҳаргиз моҳитабондин гапирмасман,

Лабинг монандимас ёқут, маржондин гапирмасман,

Дилим сен бирла тил ҳам ғайри инсондин гапирмасман.

Шоир ишқий лирикага ўзгача мазмун беради, ҳаётдаги тенгсизлик ва адалатсизликдан фарёд қилади:

Ёғди бош узра фалакнинг жавридан борони ғам,

Етгуси турли алам, даврон элидан дам-бадам,

Мунису ғамхўр улан ёру рафикам йўқ мани,

Турмушимдур турли ҳасрат, кўрмаган дарду алам.

Шоир “фалак жавридан”, “ғам бўронидан”, “даврон элидан” шикоят қилар экан, менга ўхшаган фақир кишиларнинг аҳволи бу замонда шундай демоқчи бўлади.

Лекин бу ҳол шоирни умидсизликка туширмайди У келажакка зўр умид билан қаради. Ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай жиноятдан қўрмовчи бой эшонларнинг кирдикорларини фош этди, халқни зулмдан озод қилувчи инқилоби зўриқиш билан кутди:

Оширди зулмини ҳаддин бизим юрт бой –эшони,

На ҳукм этса, раво бечораларга амри фармони.

Олиб ёш

қизларни кўплаб одатда йўқ эрур заки,

Оқибким кўзларидан тинмайин ёш ўрнига қони.

Қачон бир инқилоб бўлгай қутилса зулмдан жони,

Бу меҳнаткаш жафокашларни дилда қолмай армони.

Насимий фуқоролар уруши даври йилларида юзага келган босмачилик



харакатининг моҳиятини очиб беришга интилади. Шоир бу йилларда Янгиқўрғон қишлоғида яшади. У Эргаш кўрбоши ва унинг тарафдорлари томонидан Қўқон атрофи қишлоқларида қилинган ваҳшийликларни бевосита гувоҳи бўлди.

Шоир ўз кўрганларини “Мажмуаи ҳаводис” (“Ходисалар тўплами”) асарида босмачилик ҳаракатининг асл моҳиятини халқ бошига келтирган беҳисоб кулфатлари ва шу зулмга қарши курашган мард инсонлар образини ёрқин тасвирлайди. Шоир асар сўз бошисида шундай ёзади: “Эй замон аҳлини донишлари ва эй хирандманд бохушлари, ман бечора фақир ҳақир каминаи камтариннинг агар шеър бобига чандони лаёқатим бўлмаса ҳам, таъбимга нонасиб бўлиб, Қўқонга ўн саккиз чақирим келадургон Янги кўрғон деган қишлоққа бориб туриб, азбарои Эргаш кўрбоши, Муҳаммадамин Холхўжа эшон Ислоҳ кўрбоши Мирзо Умар шунга ўхшаш кўрбошиларни юриш -туришларини ва қилган қилиқ –атворларини ҳам халққа қилган зулм таҳдидларини ўз кўзим билан кўриб, назм остига тердим”.

“Мажмуи ҳаводис”даги босмачилик ҳаракати, унинг реакцион моҳияти, халқ бошига солган сон –саноксиз азоб –уқубатлари, халқнинг босмачиларга қарши олиб борган мардановор кураши акс эттирилган. Муаллиф бу асарда реакцион “Қўқон мухторияти” ва унинг арбобларини ҳам фош қилади. 1926-1927 йилларда Қўқонда чиқадиган “Янги Фарғона” газетасининг “Чиғирик” танқидий бўлими атрофида бир қатор шоирлар тўпланган эдилар.

Жумладан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирзо Хўқандий, Оразий, Ҳайрат, ёшлардан Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Яшинлар “Чиғирикда ўзларининг шеър фельетон ва ҳажвлари билан қатнашиб турар эдилар. Насимий ҳам шу газетанинг фаол муҳбири ва ҳажвчи шоирларидан эди.

“Янги Фарғона” газетасининг 1927-1928 йил сонларида Қирофаат ва бидиатга қарши ҳажвий сатираларни ёзди. 1929

йилда машҳур маърифатпарвар шоир ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ваҳшиёна ўлдирилиши. Насимий учун оғир йўқотиш бўлди. Шоир Насимий қотилларга лаънатлар ўқийди ва дўстига бағишлаб марсия ёзади. Насимий унда Ҳамза қотилларини кескин қоралаб “ваҳшилар” деб атайти.

Шоир Ҳамзани қотилларини фош қилиш билан бирга шундай улуг шахснинг қурбон бўлганига чуқур қайғуради:

Очиб кўз илм ила топкан эди, ул маъданий дошниш,

Ҳамиша фикр ила эрди қалам илгийда ҳар жойда,

Они ёзган шиорин, қайда кўргач дил куяр беҳад,

Эссиз кеттиму шундоқ дониш аҳли деб тушиб ёда.

Бу марсияни адабиётимизда Ҳамза хотирасига бағишланган биринчи асар дейиш мумкин.

Насимий республика ҳаётидаги ҳар бир муҳим воқеага ўз овозини кўшди. У янги-янги



мавзуларни чарчамай талқин қилди. Унинг шеърлари “Ёш куч”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Гулистон” журналларида босилиб турди.

1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида бўлган кекса шоир, кишиларининг қаҳрамонона меҳнатларидан чексиз хурсанд бўлди. Асрлар давомида сувга чанқоқ бўлган ерларга сув келишини куриб қувонди:

Кўрасиз энди яшнаб чўлни гулистон бўлимишин,
Баъзи зумрад гул олиб савр ила бўстон бўлмишим.

Муқимий, Фурқат каби устозлари орзу қилган замонни ўз кўзи билан кўрган шоир озода халқимиз, гўзал республикаимиз ҳақида бир қанча шеърлар яратиб, ўзбек адабиётига маълум ҳисса қўшди. Насимий 1941 йил 11 январьда Янгиқўрғон қишлоғида вафот этди.

Шоир Насимий Муқимий, Фурқатлар бошлаб берган демократик адабиёт анаъаналарини муносиб давом эттирган ижодкорлардан биридир. У ўз асарларида халқ ҳаётини, меҳнаткаш инсонларни орзу –умидларини самимий ва мохирона куйлай олган. Адибнинг адабий меросини ўрганиш ва тўплаш, ҳар тарафлама аҳамиятга моликдир.

1.Фотима Ҳусайнова “Ўзбек тили ва адабиёти” 1961 йил №1 сониде ёзган мақоласи.

2.Пулатжон Қаюмов “Тазкираи Қаюмий” 259- саҳифа.

3. Ўзбек Миллий Энциклопедияси 7 том. 551-бет.